2025-yil
26-iyun
payshanba
№79
(5143)

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

*Фарзандлари билимли, истеъдодли, ўзининг кучи ва салоҳиятига ишониб, доимо олдинга интилиб яшайдиган халқ ва давлатнинг истиқболи албатта ёруғ бўлади. Биз Ўзбекистон ёшларини ана шундай эзгу фазилатлар соҳиблари этиб тарбиялаш учун бундан буён ҳам бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.*

**Шавкат Мирзиёев,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# КАСАБА УЮШМА ЁШЛАРИ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИ

## Шу шиор остида Республика ёшлар форуми бўлиб ўтмоқда










**Форум Ўзбекистонда касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигига бағишланган бўлиб, унинг асосий мақсади ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, турли ҳудудлардан келган мутахассислар ўртасида тажриба алмашиш ва ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборатдир.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Ёшлар ишлари агентлиги ва бир қатор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган тадбир давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ёшларни мамлакат тараққиётидаги асосий ресурс сифатида қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнат, таълим ва касаба уюшма ҳаётида фаол иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сирасига киради. Тошкент форуми Президентимиз раҳбарлигида белгиланган вазифалар ўз самарасини бераётганининг ёрқин ифодасидир.

Очиқ мулоқот форматида ўтаётган муҳокамаларда ёшларни иш билан таъминлаш, касбий ўсиш, ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим йўналишлари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларни амалга ошириш бўйича аниқ механизмлар таклиф этиляпти. Талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича таълим дастурларини йўлга қўйиш, касбий таълим имкониятларини кенгайтириш, ёшларнинг маънавий-маърифий салоҳиятини ошириш, миллий қадриятларга ҳурмат туйғусини шакллантириш, шунингдек, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш каби режалар белгилаб олинмоқда.

Форум доирасида қатор тадбирлар, учрашувлар, маҳорат дарслари, панелли муҳокамалар ва давра суҳбатлари ташкил этиляпти. Ёшларнинг ижтимоий ва иқтисодий фаоллигини ошириш, уларнинг касбий салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда меҳнат бозорида муносиб ўрин топишига оид масалалар муҳокама марказида бўлиб турибди. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг янги авлод ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ёшларни давлат дастурларига фаол жалб этишдаги ўрни алоҳида таъкидланди.

Тадбирларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 140 нафар ёш мутахассис – касаба уюшма етакчилари, тадбиркорлар, таълим, оммавий ахборот воситалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирок этмоқда.

Ҳудудий делегатлар ижтимоий етакчилик, адабиёт ва шеърият, ахборот технологиялари ва рақамли инновациялар, тасвирий санъат ва дизайн, мусиқий ижод, меъморчилик, илмий тадқиқотлар, фото ва видео санъати, спорт, миллий таомлар ва гастрономик туризм каби 10 та йўналиш бўйича фаолият олиб боряпти.

Ёш делегатлар форум доирасида ўзларининг касбий қизиқишларига мос ташкилотлар фаолияти билан танишадилар. Жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Ёзувчилар уюшмаси, Абдулла Қодирий номидаги уй-музей, Амалий санъат музейи, Инновацион ривожланиш агентлиги, Иннотехнопарк, Кинофото ҳужжатлар марказий архиви, Олимпия шон-шуҳрати музейи ва бошқа илҳомбахш масканларда бўладилар.

– *Бундай тадбирда илк бор иштирок этяпман,* – деди «Ўзинфоком» компаниясининг ахборот тизимларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Ислом Халиев. – *Дастур жуда мазмунли ўтяпти, турли ҳудудлардан келган дастурчилар билан суҳбатлашдим, сунъий интеллектнинг истиқболлари ва Promaks Engineering соҳасидаги кадрлар салоҳияти ҳақида фикр алмашдик. Мен етти йил аввал касаба уюшмасига аъзо бўлганман. Ўшанда ташкилот мен каби ёш мутахассисни қўллаб-қувватлаган эди. Инсонга ўз вақтида ишониш ва унинг салоҳиятини очишга ёрдам бериш жуда муҳим аҳамиятга эга. Ҳақиқий жамоат ташкилоти айнан мана шу жиҳати билан ажралиб туради.*

– *Мен икки йил Туркияда тиббиёт университетининг магистратурасида ўқидим. Ватанимда ишга жойлашишимда Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши ёрдам берди,* – дейди Жавоҳир Аҳроров. – *Ҳозир Республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг Бухоро филиалида кардиолог шифокор бўлиб ишлаяпман. Инфаркт ва инсультда стент ўрнатиш бўйича жарроҳлик амалиётларини ўтказаман. Форумда соғлом турмуш тарзига бағишланган видеомаърузам билан иштирок этдим, шунингдек, касаба уюшмамиз ёшлар ва кексалар соғлиғини асрашда қандай кўмак бераётгани ҳақида гапирдим.*

Форумнинг айрим сессиялари Нурафшон шаҳридаги Ёшлар марказида ўтказилади. Тренерлар раҳбарлигида ёш иштирокчилар ўз лойиҳаларини ишлаб чиқадилар, ғоялар устида ишлайдилар ва ўз ташаббусларини тақдим этадилар.

Анжуман якунлари бўйича Ўзбекистон ёшларига ва касаба уюшмалари ташкилотларига мурожаат қабул қилиниши кутиляпти. Унда ёшларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, янги иш ўринлари яратиш, стартапларни қўллаб-қувватлаш ва инновацион ғояларни ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилади.

Ишончимиз комилки, касаба уюшмалари тизимида ёшлар фаоллигининг ортиши ёш мутахассислар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш билан бир қаторда, Янги Ўзбекистонни барпо этишдек эзгу мақсадни амалга ошириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларга янги куч-қувват бахш этади.

**Оксана КАДИШЕВА**
*«ISHONCH»*



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

**12-11** қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

СЕМИНАР

# МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Санатор-курортлар бош бошқармаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда «Кўҳинур» санаторийсида «Санатор-курорт муассасаларида замонавий даволаш усулларини қўллаш истиқболлари» мавзусида амалий семинар ўтказди.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан ташкил этилган мазкур тадбирда 70 нафардан ортиқ шифокор ва мутасадди вакиллар қатнашдилар.

Сўзга чиққанларнинг таъкидлашларича, охирги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси санатор-курорт фаолиятини ривожлантиришга, шу тариқа аҳолининг, жумладан, касаба уюшмалари аъзолари саломатлигини тиклашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Натижада санатор-курорт хизматларини ташкил этиш тизимнинг энг муҳим йўналишларидан бирига айланиб, тасарруфдаги сиҳатгоҳларнинг нафақат қиёфаси, балки даволаш, профилактика ва муолажа жараёнлари ҳам тубдан янгиланди.

Иштирокчилар анжуманда сўз юритилган масалалар келгусида санатор-курорт даволаниш соҳасини янада ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

**Ўз мухбиримиз**

# ЖАНУБ ГАВҲАРИ




2-3

*Хуш дурур боғу коинот гули,*
*Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.*
**Алишер Навоий**



**ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ**

**2025 йил касаба уюшмалари тизимида ҳисобот-сайловлар даври бўлди. Барча бўғинларда беш йиллик фаолият сарҳисоб қилиниб, раислар муқобиллик асосида сайланди. Йирик корхоналарнинг бирида бўлган ҳисобот-сайловда раҳбар амалдаги касаба уюшмаси қўмитаси раисининг ёш эмаслигига ишора қилиб, «Энди ёш, чаққон номзодларни кўрсатишимиз керак», деди ва ўзига маъқул номзодни тавсия қилди. Демак, амалдаги раис қайта сайланмайди. Аммо сайлов бошқача тус олди. Ишчи-ходимлар касаба қўмитаси фаолиятидан мамнун эканликларини, етакчи жонкуяр, фидойи ва ҳар бир хизматчининг ҳақиқий дўстига айланганини эътироф этишди. Хуллас, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда амалдаги етакчининг қўли баланд келди.**

# КЎПЧИЛИКНИНГ ОВОЗИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ






* * *

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида кенгаш раиси Ботир Усмонов ўтган беш йилликда амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар хусусида сўз юритди.

Маълум бўлишича, тасарруфда жамоатчилик асосида 8 та туман ва 1 та шаҳар кенгаши фаолият олиб бормоқда. 155 та бошланғич, 3 та бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси мавжуд. Аъзолар сони эса 12 минг 973 нафарни ташкил этади.

– *Бозор иқтисодиёти шароитида ишчи-хизматчиларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш олдимизда турган асосий масаладир,* – деди у ўз чиқишида. – *Жамоа шартномалари ва тармоқ келишувларида ходимлар учун муносиб меҳнат шарт-шароитлари яратиш, ижтимоий суғурта, аёллар меҳнатини тартибга солиш, уларга қўшимча имтиёзлар бериш каби масалаларни талаб даражасида акс эттиришимиз зарур. Биз ҳам шундан келиб чиққан ҳолда фаолият олиб боряпмиз.*

* * *

– *28006 нафар аъзомиз бор,* – деди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти бўлинмаси ҳисобот-сайлов конференциясида раис Акбар Мирзахонов. – *Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида уларнинг сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Тармоқ касаба уюшмасининг қуйи бўғинларидаги ҳисобот-сайловлар ўз муддатларида ўтказилди. Муқобиллик асосида яширин овоз бериш йўли билан 4 нафар, очиқ овоз бериш йўли билан 50 нафар бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раиси сайланди. Уларнинг 17 нафари янгидан, 37 нафари эса қайта сайланди.*

Қайд этилганидек, ҳисобот даврида меҳнат инспекцияси томонидан 11 минг 627 нафар ходимнинг ҳақ-ҳуқуқи тикланиб, улар фойдасига иш берувчилардан 6 миллиард 503 миллион 351 минг сўм маблағ ундирилди. Жамоа шартномаларида белгиланган бандлар бажарилиши натижасида ўртача ҳисобда бир ходимга 2021 йилда 6 миллион 297 минг сўм сарфланган бўлса, 2024 йилга келиб, бу кўрсаткич 9 миллион 491 минг сўмни ташкил этди.

Музокараларда бошқалар ҳам сўзга чиқиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда омад яна Акбар Мирзахоновга кулиб боқди.

Ҳисобот-сайлов конференцияларида тармоқ касаба уюшмалари қурултойига делегатлар ҳам сайланди.

**Баҳор ХОЛБЕКОВА**
*«ISHONCH»*

# ЖАНУБ



**Абдусаид КЎЧИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси**



## 1

Ҳайитбой деган оғам бор. 91 ёшда. Сурхондарёнинг Қизириқ туманида яшайди. Эски замонда узоқ йил катта хўжаликнинг раҳбари бўлган. Бообрў одам. Ер билан, эл билан, экин-текин билан тилдош. Йигитдек тетик, ҳар тонг бомдод намозидан кейин уч километр югуради. Етмиш йилдан буён кундалик тутади. Китобхон. Зиёлилар, айниқса, ёзувчи, шоирлару журналистларга меҳри бошқача. Тошкентга кам келади. Тез-тез телефонда гурунглашиб турамиз.

– *Биласиз, мен тинмай газета-журнал ўқийман,* – деди тунов куни Ҳайитбой ота. – *Интернетниям тинч қўймайман. Ўқисанг, кўнгил сув ичадиган мақолалар бор. Лекин кам...*

– *Тўғри...* – дейман секингина. – *Биз қаламкашлар ҳаёт шиддатидан сал орқада...*

– *Саёз гаплар, қуруқ рақамлар,* – гапимга парво қилмай давом этади отахон. – *Қандай зўр ишлар бўляпти. Завод, фабрика, бутун-бутун шаҳарлар қуриляпти. Газетга қарасанг, худди «тап» этиб осмондан тушгандай. Жумлалар оҳанжама, мақтовлар беўхшов. Ишчи ишчига, деҳқон деҳқонга ўхшаб гапирмайди. Айтайми нега? Бормай, кўрмай ёзасизлар. Қаердандир, эшитганларингни қўшиб-чатиб тўқийсизлар. Ука, бу ўзгаришлар Қорбобонинг совғаси эмас. Телевизорда Президентимизнинг «Бўлаётган ишларнинг қийинлигини билганлар билади, билмаганлар бахтли», деб куюнганларини эшитганимда, у кишига қўшилиб ёниб кетаман. Президентимиз нега бунчалар куйиб-пишяпти, нега қийинчиликларни тушунмаганлар бахтли, деб ёзғиряпти, журналистлар шу ҳақиқатнинг томирини кўрсатиши керакмасми, ука?*

Ҳайитбой отанинг гаплари, «нозик» кўнгилга малол келса-да, тан олишдан ўзга илож йўқ эди.

– *Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуровнинг телефон рақами борми?* – Мураккаб вазиятни юмшатмоқчидек сўради оғам. – *Домланинг «Танланган асарлар»ини ўқиб, кўп мутаассир бўлдим. Раҳматимни айтишим керак. Хуршид Дўстмуҳаммадникиям керак. Китобга «Сўзбоши»ни қўшиқ қиворибди.*

– *Биз томонга қачон келасиз?* – сўради илтимоси бажарилгач. – *Келинг, Сурхон тўғрисида бир «Сўзбоши» ёзинг сиз ҳам Хуршид инимга ўхшаб. Келсангиз, ўзим кўрсатаман, айлантираман Алпомишлар юрти Сурхонда, алплар ватани Сурхондарёда нималар бўлаётганини...*

## 2

Алпомишлар юрти, алплар ватанига бораётганимни Ҳайитбой отага айтмадим. Аввал ўзим танишиб, кўриб, «Сўзбоши»га материал йиққанимдан кейин оғамнинг зиёратига бораман.

Сафарнинг биринчи куни сурхондарёлик журналист Холмўмин Маматраймов билан керакли идораларга кирдик, фактлар, рақамлар тўпладик.

Рақамлар... Тоғу тошлар оралаб келаётган жилғалар дарёга туташмагунча кўзга ташланмайди. Турли жилдларда сочилиб ётган рақамлар ҳам бир дафтарда жам бўлгандан сўнг кўкўпар чўққиларга айлангандек бўлар экан.

Наҳотки, 7-8 йилда дунёга келган бўлса бу паҳлавон рақамлар, дейман кўзларимга ишонгим келмай. Наҳотки, 2017 йили вилоят бўйича ҳаммаси 1 минг 743 та бўлган саноат корхоналари 2024 йилга келиб, 5 минг 845 тага етган? Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноатдаги улуши 1 миллиард 204 миллиондан, 9 миллиард 652 миллион сўмга кўпайган?!

2017 йили вилоятда етиштирилган пахта толасининг атиги 11 фоизи қайта ишланган, ҳозир 100 фоиз! Сариосиёда «Сурхон сифат текстиль» МЧЖ, Деновда «Шашмахкашоб» МЧЖ, Шерободда «Шерободтекстилинвест» МЧЖ, Термиз шаҳрида «Амударётекс», Жарқўрғонда «Сурхонтекс» ва «Нортекстайл» корхоналари мазкур соҳанинг «драйвер»ларига айланган. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2024 йил якуни билан 63,7 триллион сўмга, саноат маҳсулотлари ҳажми 2017 йилдаги 2,3 триллиондан 17,4 триллион сўмга; кўп қаватли уйлар сони 108 тадан 832 тага кўпайиб, кейинги саккиз йилда 31 минг хонадон ҳовли тўйлари ўтказган.

2017 йилда вилоят бўйича 387 минг 406 хонадон табиий газдан фойдаланган бўлса, бу кўрсаткич 452 минг 211 тага етган. Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 2017 йилдаги 42, 4 фоиздан 64,7 фоизга кўпайган.

Аҳолининг тоза ичимлик сувдан баҳраманд бўлишида Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилаётган «Тўпаланг» сув омбори билан боғлиқ лойиҳанинг алоҳида ўрни бор. Мазкур лойиҳа доирасида нақд 90 миллиард 83 миллион сўм ўзлаштирилиб, 153,1 километр ичимлик сув тармоғи барпо қилинган. Сариосиёда суткасига 200 минг кубметр сувни тозалайдиган иншоот қурилган. Денов туманида 20 минг, Шўрчи туманида 10 минг, Қумқўрғон туманида 5 минг куб метр сиғимга эга ичимлик сувни сақлаш ҳамда тарқатиш ҳавзалари бунёд этилган.

Энди йўлга бўлган эътиборни кўринг: 2024 йилнинг ўзида ҳудуддаги 16 минг 171 километр автомобиль йўлининг 901,1 километри тузатилиб, 20 та кўприк ва йўл ўтказгичлар қурилган. 517,4 километр ички йўллар ҳашар асосида таъмирланган.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ўзлаштириш ва маҳаллийлаштиришга жиддий эътибор берилгани сабабли ўтган йили 42 та корхона 362,1 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқарган ва 20.4 миллион доллар тежаб қолинган.

Воҳанинг иқтисодий салоҳияти ошиб, 2024 йил 361,1 миллион долларлик товар, хизмат ва маҳсулотлар экспорт қилинган. Уларнинг 182,5 миллион доллари саноат, 178,5 миллион доллари мева-сабзавот, 58,4 миллион доллари тўқимачилик соҳасига тегишли. 2017 йилгача воҳадан дунёнинг бор-йўғи ўнта давлатига маҳсулот жўнатилган бўлса, энди 40 та мамлакатга маҳсулот экспорт қилинаётганига нима дейсиз?

Бундай маҳобатли рақамларни яна ва яна санайвериш мумкин. Улар Шеробод даштларидек бепоён, Бойсун қирларидек жилвакор...

## 3

Шеробод даштларидек бепоён, Бойсун қирларидек жилвакор рақамлар Ҳайитбой ота «Газетларни очсанг, худди «тап» этиб осмондан тушгандай...» деганда қанчалар ҳақ эканига яна бир карра амин бўласан киши.

Мана, қаршимизда Ўзбекистон билан Афғонистонни бир-бирига боғловчи машҳур Ҳайратон кўприги. Мовий осмон артилгандек тиниқ, ҳаво иссиқ, рўпарамиздан Жайҳуннинг телба шабадаси эсиб турибди. Узоқда қўшни мамлакатнинг афсонавий Балх вилояти далалари, Мозори шариф, Ҳайратон шаҳарлари қорайиб кўринади. Катта йўлнинг бир томонида божхона, иккинчи томонида Термизнинг Ҳайратон маҳалласи. Амударё ёқалаб озгина юрган киши яқинда ишга тушган «Термиз халқаро савдо маркази»га кириб боради.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида инсонпарвар ва прагматик ёндашувнинг амалдаги ифодасига айланган бу мажмуанинг Марказий Осиёда муқобили йўқ ва у алоҳида геостратегик аҳамиятга эга. Марказ «Карачи – Термиз – Тошкент – Қозоғистон – Россия» халқаро транспорт йўлагининг асосий бўғини ҳисобланиб, Ўзбекистон ва бутун минтақа учун Ҳинд океани портлари орқали жаҳон бозорига чиқиш имконини яратмоқда.

Бу ерда Қозоғистон ва Хитой савдо уйлари ташкил этилган. Россия, Тожикистон, Қирғизистон, Беларусь каби давлатлар ҳам савдо уйларини очишга қизиқиш билдирган.

Мазкур мажмуанинг яна бир муҳим жиҳати бор. Афғонистон бизнинг ён қўшнимиз. Ярим аср давом этган урушлар, аввал советларнинг, сўнгра америкаликларнинг зуғумлари, ундан кейинги ички низолар... Бутун бошли бир авлод ўқ ёмғирлари остида ўсди. Беҳисоб жанглар, тўкилган қонлардан сўнг ҳукумат Толибон қўлига ўтди. Аммо ўзини жаҳоннинг бекларимиз, дегувчи давлатлар янги ҳокимиятни тан олмади. Афғон муаммоси улар учун муҳим эмас-да. Бизга эса Президентимиз дунё минбарларида, БМТ йиғинларида қайта-қайта таъкидлаганларидек «тинч ва барқарор, минтақавий ҳамкорлик жараёнларида фаол иштирок этувчи, қўшнилар ва бошқа мамлакатлар билан очиқ шерикликка тайёр Афғонистон керак. Жуда керак! Ҳозирги қийин даврда Афғонистонни яккалаб, уни муаммолар гирдобига ташлаб қўйиш мумкин эмас.

Афсуски, Ўзбекистон Президентининг мана шу оддий ва оқилона сиёсатини аввал ҳам, ҳозир ҳам тушунмаганлар ва тушунишни истамаганлар оз эмас. Юртбошимизнинг фикри эса ўзгармас ва қатъий: бизга тинч Афғонистон керак. Керакли бўлгани учун қўшни мамлакатда Ўзбекистон кўмаги билан кўчалар, темир йўллар қуриляпти, маданий ва гуманитар ёрдамлар юбориляпти, толибон расмийлари билан бир пиёла чой устида оғир-оғир муаммолар ҳал қилиняпти. «Термиз халқаро савдо маркази»нинг барпо этилиши мазкур юмушларнинг давоми ҳисобланади. Марказнинг ишга туширилиши, афғонлар билан борди-келдини ривожлантиришга, тадбиркорликка янги йўллар очишга, юзлаб одамларни иш билан таъминлаб, дастурхони тўкин, хонадони обод бўлишга ҳисса қўшмоқда. Ҳозир бу ерда 480 дан зиёд қўшма ва хорижий корхона фаолият юритяпти. Ўтган йилнинг ўзида, Афғонистон билан ташқи савдо айланмаси 57,4 миллион АҚШ долларига етди.

36 гектар майдонни қамраб олган марказда савдо дўконларидан ташқари, замонавий меҳмонхоналар, хостел, клиника, бизнес маркази фаолият юритмоқда. Биргина «Akfa Medline» клиникаси йилига 46 минг беморга меҳру муҳаббат кўрсатиш имконига эга.

Логистика маркази йилига 22 минг юк машинасига хизмат кўрсатади.

1100 киши доимий иш билан таъминланган.

Мажмуадаги ўзбек ва афғон тадбиркорларининг ўзаро самимий муносабатларини кузатганда, Аму тўлқинларининг ёқимли эпкинлари руҳингга айрича ҳаловат бағишлаётгандек туюлади – суюнасан. Беихтиёр: «Бўларкан-ку!» дея ҳайқириб юборганингни билмай қоласан. Улар бир-бирларининг тилини, маданиятини, урф-одатларини қадрлайдилар.

Бу ерда афғонлар учун 15 кунлик визасиз тартиб йўлга қўйилган. Бемалол сўм, доллар, евро, рубль ва юанда валюта алмаштириш мумкин.

Савол туғилади: қани, айтинг, шу олағовур замонда қайси давлат раҳбари ўз мамлакатидаги муаммоларни ҳал қилиш баробарида ҳамсоямнинг рўзғори обод бўлсин, деб жон куйдиряпти? «Бир кўнгил иморати – минг Макка зиёрати», дейдилар. Неча юз Макка зиёратига тенг эмасми бир бозор ортидан неча юзлаб афғону ўзбекнинг қора қозони қайнаб тургани?

«Термиз халқаро савдо маркази»да эса куну тун ҳаёт қайнайди. Юзларда шодлик, кўзларда қувонч. Ахир, «Ён қўшнинг – жон қўшнинг», «Қўшнинг тинч – сен тинч»-да! Ёмғир билан ер, тинчлик билан эл кўкаради. Тинчликдан улуғ, тинчликдан азиз неъмат бор эканми бу гардиши давронда, бу фиғонли замонда, бу жумлаи жаҳонда?

## 4

Бу гардиши давроннинг, бу фиғонли замоннинг, бу жумлаи жаҳоннинг ўнлаб нуқталарида қонхўр дронлар ваҳшиёна дайдиган, бомбалар портлаган, шаҳару қишлоқларнинг кули кўкка соврилиб, оналар додлаган, чақалоқлар жажжи қўлчаларини мушт қилган кўйи чинқириб йиғлаб турган бир пайтда, Худойимга минг шукур дейсан, таъзимлар қилгинг келади Ватан сарҳадларини қучиб ётган сокин сукунатга. Чечаклар атри уфуриб турган тонг еллари, йўнғичқазорлардан кўтарилаётган беда ҳиди қалбингни аллалайди, шукроналик туйғуларига кўмилиб кетади жону жаҳонинг. Оқ ҳоврли тонг пардаси кўтарилиб-кўтарилмай улкан жанг майдонига – чинакам меҳнат «фронти»га айланиб кетади Сурхондарёнинг шаҳару қишлоқлари, дашту далалари. Ҳамма жангда, ҳамма жангчи – жим турган одамни кўрмайсиз, кўролмайсиз.

«Мустақилликнинг 25 йиллиги», Ховдоғ, Какайди, Лалмикор нефт ва газ хазиналарида; Шарғун, Ҳисор, Бойсун, Кўҳитанг тоғлари этакларидаги кўмир, Хонжиза ва Хўжаикондаги полиметалл, ош тузи конларида ҳаёт қайнайди. Гипс, базальт, фосфор, гранит, темир, каолин, олтингугурт тайёрланадиган; чарм, фармацевтика, озиқ-овқат, нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган манзилларда меҳнат қилаётган кишиларнинг шиддати янаям ўзгача. Йилига 2,5 миллион тонна мева-сабзавот етиштирадиган деҳқонларнинг авжи баланд. Ҳатто, сурхонча тандиркабобга ҳозирлик кўраётган, чўпончаю биқтирма, тошпатиру ғилминди, қуртобаю ширгуруч каби лаззатли таомлар тайёрлаётганларнинг ҳам қўли-қўлига тегмайди. Ёғоч кувиларда қатиқдан сариёғни ажратиб олиб, куз-қиш ва баҳор фаслларида тановул қилиш учун чорва молларининг тозаланган қорнида сақлаш тадоригини кўраётган тоғликларнинг иши завқингизни баттар тоширади. Бу борада омонхоналиклар тажрибаси ҳеч кимникига ўхшамайди. Улар қўлбола сариёғни чорва молининг тозаланган қорнига солиб, ғорларда сақлайдилар.

Ҳей, бу сурхонликлар-ей! Аждодлар анъаналарини уларчалик авайлаб-асраётган эл бўлмаса керак бу дунёда. Тўйлари кураш, кўпкарисиз ўтмайди. Узоқдан келган меҳмонларни қўшниларникига жойлаштириб, уларга «қўшхона», яъни озиқ-овқат бериш удуми ҳам ҳануз бардавом. Кунлар илиб, қиш чекинаётганда ўтказиладиган «Дарвешона» байрамида баҳорнинг серёғин, ҳосилнинг мўл-кўл, йилнинг барокатли бўлиши учун эҳсон улашилади, дуолар қилинади.

«Бешик тўйи»лари, тўйлардаги бахшиёна ашулалар, дўмбиракашлик, чанқовуз мусобақалари... Айниқса, бахшичилик! Воҳада дўмбирани сайратиб ўлан айтмайдиган, шеър тўқимайдиган одам бўлмаса кераг-ов. Ахир, Президентимиз 2019 йилнинг 6 апрель куни Термиз шаҳрида бўлиб

**ЎҚУВ**

# ИНСПЕКТОРЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Малака ошириш институтида тармоқ касаба уюшмалари Республика, Федерациянинг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашлари меҳнат ҳуқуқ инспекторларининг малакасини ошириш мақсадида ўқув ташкил этилди.**

Уни Меҳнат инспекцияси бошлиғи – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Қ.Қирғизалиев очиб, «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури» ижросини таъминлашга кўмаклашиш бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг дастурида белгиланган вазифалар тўғрисида сўз юритди.

Ҳафта давомида иштирокчиларни юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, қонун ва қонуности ҳужжатларга киритиб борилаётган янгилик, ўзгартиришлардан бохабар қилиш мақсадида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори Ж.Қўнғиротов, Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро суди судьяси И.Қурбанбаев, Тошкент давлат юридик университети Меҳнат ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси Д.Муродуллаев, Федерация аппаратининг бўлим мудирлари М.Исаев, Н.Ғоибназарова, Д.Тўйчиев, Г.Ризаева маъруза ва тақдимотлар билан иштирок этишди. Машғулотлар давомида тингловчилар соҳага оид ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Прокуратура тарихи музейи ва Ўзбек Миллий академик драма театрига ташрифдан катта таассурот олган иштирокчиларга ўқув якунида сертификатлар топширилди.

**Алишер САИДОВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекцияси бошлиғи ўринбосари, Бош меҳнат ҳуқуқ инспектори*



Ҳар бир нарсага мангулик нуқтаи назари билан боқинг.
Барух Спиноза







# ГАВҲАРИ

ўтган Халқаро бахшичилик фестивалидаги нутқида бекордан-бекорга «Сурхондарё – азалдан бахшилар юрти сифатида ном қозонган», демадилар-да.

Айтиб адо қилиш қийин сурхонликларнинг одатларию анъаналарини, табиат гўзалликларию ер ости ва ер усти бойликларини.

Ҳатто, фаслларигача ўзига хос: ёзи жазирама иссиқ ва узоқ, қиши илиқ ва қисқа. Арчазору пистазор, аччиқ бодому олмазор боғларида, бутазору ўрмонларида, шифобахш гиёҳлар ўсиб ётган чакалакзорларида эркатой қушларнинг чуғур-чуғури, булбулларнинг ёқимли овози тинмайди. Вилоятнинг жануби-шарқий қисмида тез-тез чанг-тўзонлар қўзғаб тургувчи Афғон шамолининг-да айрича ташвиши бор.

Омонхона, Хўжаипок, Ўринбулоқ, Қўтирбулоқ каби шифобахш булоқлари ҳам борки, уларнинг суви жигар, ошқозон-ичак, тери, буйрак, қандли диабет дейдиган касалликларнинг «доди»ни беради. Ғалла, пахта, чорва, узум, мева-сабзавот, субтропик ўсимликлар... Айниқса, сурхон узумининг довруғи азалазалдан машҳур. Манбаларда айтилишича, саркарда Искандар Мақдуний воҳа узумига, узумдан тайёрланган мусалласга мафтун бўлган, меваларининг ранги ва хушбўй ифорларидан завқ олган.

## 5

Мевалар ранги ва хушбўй ифорларидан завқ олган юз-юзлаб тадбиркорлар эса вилоят иқтисодиётини ривожлантириш йўлида астойдил меҳнат қилишяпти.

Баҳодир Қодиров шуларнинг бири. У замонавий кўп қаватли уй-жой қурилишлари учун ёввойи қамиш қириндисидан қимматбаҳо қурилиш материали ишлаб чиқарадиган «Surxon KSP-Grand» корхонаси эгаси.

– *Вилоятимизнинг 26 минг гектардан ортиқ майдонида ёввойи қамиш ўсади,* – дейди тадбиркор. – *Ҳар йили кузда қамишзорлар беаёв ёқиб юборилар эди. Бу Термиз, Музработ туманлари ва Термиз шаҳрининг ҳайвонот дунёсига, ўсимлик оламига катта зарар етказиб, экологик муҳитга ёмон таъсир кўрсатаётган эди. Биз муаммони ўргандик ва унга чек қўйиш ва табиат инъом этган бебаҳо бойликдан оқилона фойдаланиш учун «Surxon sanoat qurilish» компаниясини ташкил қилдик. Компания мутахассисларини хорижга юбордик, улар илғор тажрибаларни ўзлаштириб келдилар. Шу тариқа қамиш заррачали плиталар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.*

Корхонанинг арзон ва пишиқ маҳсулоти тезда ўз харидорларини топди. Тадбиркор эса кластер усулини жорий этиб, қамиш заррачали плиталарни ламинация қилишни ҳам ўзлаштирди. «Комфорт мебель сервис» корхонасида замонавий, бежирим мебеллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Яна бир сармоядор Жамшид Пардаев эса воҳада биринчи бўлиб хусусий олий таълим муассасасини ташкил қилди. Ҳозир унинг таъсисчилигидаги Термиз иқтисодиёт ва сервис университетида ёшлар ўндан ортиқ йўналишда билим олмоқда. Тадбиркор шу билан чекланмади – Олтинсой туманининг Қаймоқли қишлоғида ўзи ўқиган мактаб учун қиймати 32,5 миллиард сўмлик икки қаватли бино қуриб берди. Янги бинода ўқитувчи ва ўқувчилар учун барча замонавий шароит яратилган. Интеллектуал синфхоналар, спорт зали, мини ўйингоҳ, кутубхона, мажлислар зали, компьютер синфхоналари, ошхона... Синфхоналар электрон доска билан жиҳозланган.

Тадбиркорлар ҳақида сўз борганда, Термиз шаҳридаги «Сурхон Сандвич» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси Баҳром Рауповнинг исм-шарифи алоҳида эҳтиром билан тилга олинади. Баҳромжон шу йилнинг 7 февралида бўлган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбарига амалга оширган ишлари ва режалари тўғрисида гапириб берди. Президентимиз Баҳром Рауповни юксак мукофот – «Дўстлик» ордени билан тақдирлади.

Рауповни Ватан мукофотига сазовор қилган ишлар қуйидагилардан иборат эди.

Баҳромжон бундан саккиз йил муқаддам импорт ўрнини босадиган сендвич ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Пишиқ ва замонавий материалдан воҳада кўплаб ижтимоий соҳа бинолари, ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилди. Элликдан ортиқ ишчи меҳнат қилаётган корхона эндиликда сендвич панелда ишлатиладиган базальт ва пенопласт қопламалари ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирмоқда. Янги корхона йил якунигача фойдаланишга топширилади ва яна тўрт юзга яқин иш ўрни барпо этилади.

Фақат шу эмас, ташаббускор ишбилармон Денов туманидаги Қизилсув дарёси бўйида «Ёшлар сайилгоҳи»ни бунёд этмоқда. Замонавий лойиҳалар асосида қад ростлаётган сайилгоҳда савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари, турли кўнгилочар масканлар бўлади. Қурилишга юз миллиард сўм маблағ сарфланади, мингдан ортиқ киши ишли бўлади.

Хуллас, Сурхон воҳасида юқорида номлари тилга олинган каби элсевар тадбиркорлар жуда кўп. Уларнинг фидокорлиги билан Термиз шаҳри ва барча туманларда ёшлар сайилгоҳлари қад ростламоқда. «Сайҳунобод», «Ғиждувон», «Уйчи» тажрибалари асосида ҳаммага кўз-кўз қилгулик лойиҳалар ишга туширилаяпти.

Бироқ бу борадаги ишларни барча ҳудудларда бир маромда, дейиш қийин. «Қийин»лигини Ангор ва Шеробод туманлари мисолида яққол кўриш мумкин.

Ангор ҳудудий жиҳатдан кичикроқ, аҳолиси ҳам Шерободникидан кам. Ҳудудининг бир қисми тоғликдан иборат бўлган Шеробод эса ер ости қазилма бойликларининг кўплиги билан Ангордан ажралиб туради. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятлари кенг. Туманда олтингугурт, мармар, цемент, ош тузи, гранит каби ер ости қазилма бойликлари сероб. Аммо ана шу бойликлардан самарали фойдаланиш ўрнига мавжуд корхоналар ҳам таназзулга юз тутаётгани, тумандаги Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг цемент заводи, калава-ип, ёғ ишлаб чиқариш корхоналари паст қувватда ишлаётгани ёки ишлаб чиқариш тўхтаб қолгани ташвишлидир.

Ангорда эса бунинг акси. Туманга замонавий саноат кириб келмоқда. Бир неча кичик саноат корхоналари барпо этилди, озиқ-овқат маҳсулотлари, мебель, қурилиш материаллари, елим буюмлар, кийим-кечак ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Вилоятда ягона бўлган «Top Qualty Brand» масъулияти чекланган жамиятининг терини қайта ишлаш корхонаси ҳам Ангорда. Ишсизлик даражаси ҳам Шербоддан кескин фарқ қилади. Ишсизлар сони Шерободда беш минг, Ангорда 2 минг нафарга етар-етмас. Гап бу ерда аҳолининг кам ёки кўплигида эмас, мавжуд имкониятлардан ким қандай фойдаланаётганида. Агар имкониятдан оқилона фойдаланилганда эди, Шерободдек катта салоҳиятга эга ҳудудда ишсизлик муаммоси аллақачон ўз ечимини топиши мумкин эди.

Яна бир гап, жорий йилнинг дастлабки чорагида Ангор туманида 24,3 миллион доллар қийматга тенг хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Хусусан, «Замин Ангор Кластер» масъулияти чекланган жамияти 13,7 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция маблағини ўзлаштириб, «Ингичка толали пахтани қайта ишлашни ташкил этиш» лойиҳасини амалга оширмоқда. Ҳадемай яна юзлаб ангорлик ишли бўлади.

Туманда қиймати 109,1 миллиард сўмлик 52 та лойиҳа шакллантирилган. 6,5 гектар майдонда учта Кичик ва Ёшлар саноат тадбиркорлик зонаси бунёд этиляпти. Бу лойиҳалар ишга туширилгач, 350 та янги иш ўрни яратилиб, бюджетга қўшимча 2,6 миллиард сўм маблағ туширилади. Туманнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 56,9 миллиард сўмга етказилади. Шерободда эса...

Афсуски, фақат Шеробод эмас, вилоятнинг бошқа жойларида ҳам улкан эврилишлар йўлига сунъий ғов бўлаётганлар учрамоқда. Уруғчилик, порахўрлик, тамагирлик деган иллатларнинг илдизи қирқилмаяпти. Масалан, ўтган йили вилоятда коррупцияга оид жиноят ишлари бўйича 189 нафар шахсга оид 125 та жиноят иши кўрилган. Уларнинг 109 нафарига ахлоқ тузатиш, 12 нафарига озодликни чеклаш, 23 нафарига озодликдан маҳрум этиш, икки нафарига муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. 38 нафарига жарима қўлланган. Шеробод туманида коррупция билан боғлиқ ишлари учун 16 шахсга оид ўнта жиноят иши кўрилган.

***Сурхон, она дарё, ҳайқир наракор,***
***Кўксингда қолмасин заррача ғубор!*** –

дея ҳайқиргинг келади бундай иллатларга дуч келганда. Чунки алпомишлар ўлкаси, алплар ватани бўлган Сурхондарёда; дунёга Ҳаким ат-Термизий, Султон Саодат, Имом Термизий, Хўжа Алоуддин Аттор Валий, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид, Сўфи Оллоёрдек улуғ авлиёларни етказиб берган Сурхондарёда; Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида «Жануб гавҳари», дея таърифланган Сурхондарёда; Президентимиз Шавкат Мирзиёев «мард ва олижаноб, ориятли эл яшайдиган табаррук замин», дея ардоқлаган Сурхондарёда; Ўзбекюртнинг жанубдан Афғонистон, шимоли-шарқдан Тожикистон ва жанубдан Турк манистон Республикалари шимоли-ғарбдан Қашқадарё вилояти билан чегарадош йирик вилояти бўлган Сурхондарёда; тарихи «Авесто»дан-да қадимийроқ бўлган Сурхондарёда бўлмаслиги керак бундай қусурлар...

■ ЮРТИМИЗ БЎЙЛАБ...

## 6

Тарихи «Авесто»дан-да қадимийроқ Сурхондарёнинг ўтмиши ҳазилакам эмас-ку, ахир?

Бойсуннинг Тешиктошидан топилган «неандерталь одам», Айритом, Мачай, Зараутсой дарасидан чиққан тош қуроллар, қояларга чизилган ёввойи буқани итлар ёрдамида овлаш манзаралари, динозаврларнинг тошда қотиб қолган излари...

Азизлар, тасаввур қилинг, динозавр қачон яшаган? Мезозой эрасида. Шундайми? Демак, бундан 60 миллион йиллар илгари ҳам Сурхон дараларида, зовларида динозаврлар судралиб юрган. Ибтидоий одамлар олишган, жанг қилган афсонавий аждаҳолар, қирқ каллали ҳайвонлар билан. Неолит ва энеолит даврларида тошлардан болта, пона, искана ясаган. Кейин-кейин металлдан, мисдан қурол ясашни ўрганган, сув бўйларида ертўлалар, чайлалар тикланган, гувалалардан уйлар қурилган. Шеробод, Шўрчи, Бандихон томонларда илк шаҳарлар юзага келган. Соплитепа манзилидан топилган ашёлар замонлар ўтиб, ҳунармандчилик, маданият, санъат ривожлана бошлаганини, шаҳарсозлик, мудофаа деворлари қурилганини тасдиқлайди. Мудофаа деворлари тикландими, демак, ўзаро келишмовчиликлар, ер, мулк талашувлари, босқинчилик урушлари бошланган. Милоддан аввалги VIII-VII асрларга келиб, ўз даврининг қудратли давлати – Бақтрия подшолиги ташкил топади. Бироқ кейинчалик бу давлат шу қадар ағдар-тўнтар бўладики, ном-нишон қолмайди не-не машаққатлар билан қурилган кошоналардан.

Шу тариқа мамлакатнинг қўлдан-қўлга ўтиш даври бошланади. Аввал, Аҳамонийлар сулоласидан бўлмиш Эрон шоҳлари, кейин македониялик Искандар, ундан кейин кушонлар, эфталитлар, турк ҳоқонлиги, араблар, сомонийлар, ғазнавийлар, қорахонийлар, салжуқийлар, хоразмшоҳлар, мўғуллар, темурийлар, шайбонийлар; XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб чор Россияси, ундан сўнг шўролар зулми...

Зулмдан қутулишдек мўътабар бахтни минг-минг йиллар давомида орзу қилган эди боболаримиз. Не бахтки, бизга насиб этди бу муаззам даврон – Ватан мустақиллиги! Эркин ҳаволар кирди ўзбекнинг юрагига. Янги давр, янги ҳаёт... Айниқса, кейинги йиллардаги бунёдкорликлар, янгиликлар, ободликлар.

– *Юқорида гувоҳ бўлганларимиз Сурхондарёдаги эврилишлардан айрим парчалар, халос,* – дейди ифтихор билан ҳамроҳим Холмўмин Маматрайимов. – *Кўҳитанг қояларидан кам эмас вилоятимизда қилинаётган ишлар. Ютуқларимизнинг ҳаммаси Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг элпарварлиги орқасидан бўляпти. Мана қаранг, сўнгги йилларда мамлакатимиз раҳбари роппа-роса ўн марта ташриф буюрдилар Сурхондарёга. Ҳар ташрифда ўнлаб йирик лойиҳаларга пойдевор қўйилди.*

Ҳамроҳимнинг сўзи якунига етмай, телефоним жиринглаб қолди. Ҳайитбой ота. Келганимни эшитган бўлса-я.

– *Ассалому алайкум...*

– *Президентимизнинг маърузасини эшитдингизми?!* – деган баланд овоз жаранглади телефонда. – *Халқаро инвестиция форумида қандай зўр гапларни айтдилар. Сўзларини қаранг, нур таратади-я, нур. Қалби кўриниб тургандай бўлади ҳар гапида. У кишидан ўрганиш керак ватансеварликни, жонфидоликни, самимиятни, ростгўйликни. Бундай шахсларни даврнинг ўзи олиб чиқади саҳнага. Президентимиз ҳақиқий Ўзбекистон Қаҳрамони. Ҳей, керак бўлса, Нобель мукофотини бериш ҳам камлик қилади бундай улуғ зотларга. Лекин...* – Ҳайитбой ота чуқур нафас олиб, бир зум жим қолди. – *Шукроналикни билмайдиганлар бор,* – давом этди салмоқ билан. – *Қайси куни кўчага чиқсам, бир йигит ҳаммани ўғрига чиқаряпти, бизда адолат йўқ, деб бақиряпти. Суриштирсам, ҳокимият билан боғлиқ иши битмабди. Битта ишинг битмаса ҳаммани ўғрига, жамиятда адолат йўққа чиқариш керакми? Аммо амалдорларни ичидаям калондимоғ, манман, тамагирлар бор-да, ука. Китоб кўрмаган, дунёбехабарлардан чиқади бундай кўримсиз нусхалар. Йил ўн икки ойда бир бет китоб ўқимайди улар. Ўн мингдан ортиқ китоб бор менинг кутубхонамда. Бир мақтаниб қўяйми, Тошкентнинг энг катта кутубхонасидаям йўқ мендаги китоблар. Ҳаммасини ўқиганман, ҳар кун ўқийман. Президентимиз китоб ўқиганларга, машина бериб, совға-саломлар билан рағбатлантирганларини кўрганимда ғурурга тўлиб кетаман, ғурурга. Худойим ўзбек халқини сийлаган шундай оқил Президент билан. Сурхондарёни алплар юрти, алпомишлар ватани деймиз, бу жуда тўғри. Лекин бугун Президентимиз нутқини эшитаётиб яна бир марта амин бўлдимки, бутун Ўзбекистон алплар Ватани экан. Ватанимизнинг Шавкат Мирзиёевдек жасур раҳбари бор экан бундан ҳам обод, бундан ҳам бой бўлади, «Жануб гавҳари» бўлган Сурхондарё, Худо хоҳласа.*

# ОЛАМДА БУГУН

## Эрон «Моссад» жосусларига қарши овга чиқди

«Fars» агентлиги хабарига кўра, шу йилнинг 13 июнидан буён Эрон хавфсизлик кучлари Исроил фойдасига жосусликда айблаб, 700 нафардан ортиқ шахсни қўлга олган.

«Исроил Эронга ҳужум бошлагач, мамлакат ичида унинг жосуслик тармоғи анча фаоллашди. Хавфсизлик хизматлари бу ҳаракатларга чек қўйиб, 700 нафардан ортиқ шахсни қўлга олишга муваффақ бўлди», дейилади хабарда.

Энг кўп қамоққа олинганлар Карманшоҳ, Исфаҳон, Хузистон, Форс ва Луристон вилоятларида қайд этилган. Теҳрон ва унга яқин ҳудудлар бўйича маълумотлар аниқлаштирилмоқда.

Бу Эрон Ислом Республикаси тарихидаги қисқа муддат ичида амалга оширилган жосусликка қарши энг йирик операциялардан бири сифатида қайд этилмоқда.

## Трамп: «Зеленский жуда оғир вазиятда»

АҚШ президенти Дональд Трамп Владимир Зеленскийнинг ҳолатини «жуда оғир», дея баҳолади ва у билан НАТОнинг Гаагадаги саммити доирасида шахсан учрашиши мумкинлигини маълум қилди.

«Мен ундан ҳол-аҳвол сўрайман. У жуда қийин вазиятда. Бундай ҳолатга тушмаслиги керак эди», деди Трамп журналистларга.

«The Sydney Morning Herald» нашрининг маълум қилишича, саммит доирасида Зеленскийга иккинчи даражали роль белгиланган ва унинг дипломатик ҳаракатлари иттифоқчилар эътиборини қозониш учун курашга ўхшаб қолган.

Шунингдек, нашр келтирган сўровномаларга кўра, Ғарб давлатларида, жумладан, АҚШ, Греция ва Венгрияда Зеленскийга бўлган ишонч даражаси пасайиб бормоқда.

## Эрдўғон ва Трамп Украина ва Яқин Шарқ масалаларини муҳокама қилди

Туркия президенти Режеп Таййип Эрдўғон 24 июнь куни Гаагада бўлиб ўтаётган НАТО саммити доирасида АҚШ президенти Дональд Трамп билан музокаралар ўтказди. Бу ҳақда Туркия президентининг маъмурияти ижтимоий тармоқдаги расмий саҳифасида хабар берди.

«Учрашувда Туркия ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, минтақавий ва глобал муаммолар муҳокама қилинди. Президент Эрдўғон Исроил ва Эрон ўртасида Америка ташаббуси билан эришилган ўт очишни тўхтатиш келишувини олқишлаб, уни барқарор тинчликка олиб келадиган қадам сифатида баҳолади», дейилади баёнотда.

Томонлар Ғазо секторидаги инсонпарварлик вазият ҳамда Украинадаги можарони тинч йўл билан ҳал этиш истиқболларига ҳам эътибор қаратишди. Эрдўғон халқаро инқирозларни ечишда мулоқот ва дипломатиянинг ҳал қилувчи аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

## Лондон Украинага ракеталар юборади

Буюк Британия Украинага ҳарбий ёрдам кўрсатиш учун илк бор Россиянинг музлатилган активларидан олинган даромадни ишлатади. Бу ҳақда мамлакат бош вазири Кир Стармер маълум қилди.

Унинг баёнотига кўра, Лондон Киевга 350 та замонавий зенит ракетасини етказиб беради. Бу ракеталарни молиялаштириш учун Россиянинг музлатилган активларидан олинган 70 миллион фунт стерлинг *(тахминан 95 миллион АҚШ доллари)* миқдоридаги фойда йўналтирилади.

«Бу Россия маблағларидан Украина манфаати йўлида бевосита фойдаланилаётган илк ҳолатдир», деб ёзади британ матбуоти.

Стармер НАТО саммитидан олдин Украина президенти Владимир Зеленский билан ҳарбий-саноат соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича келишувга эришганини ҳам маълум қилди.

## Трамп – тинчлик учун Нобель мукофотига номзод

АҚШ президенти Дональд Трамп Исроил ва Эрон ўртасидаги можарони тўхтатишда воситачи сифатида тутган роли учун Нобель тинчлик мукофотига номзод сифатида кўрсатилди. Бу ҳақда «Fox News» республикачи конгрессмен Бадди Картернинг Нобель қўмитасига йўллаган мурожаатига таяниб хабар берди.

«Дональд Трамп икки мамлакат ўртасидаги қуролли тўқнашув авж олишининг олдини олишда ўзига хос ва тарихий роль ўйнади. У дунёдаги терроризмни энг кўп қўллаб-қувватловчи давлатга ядро қуролини яратишга йўл қўймади», дейилади мурожаатда.

**Оламгир ОТАЁРОВ тайёрлади**

■ ЭЪЛОН

Erieltor

«ELEKTRON REALTOR» МЧЖ

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдоларига таклиф этади!

Савдоларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142 сонли қарорига асосан «O'zsanoatqurilishbank» АТБ билан тузилган 2025 йил 18 июндаги №18-2025ER сонли шартномага мувофиқ «O'zsanoatqurilishbank» АТБ балансида бўлган қуйидаги мулклар чиқарилмоқда:

**1.** Бухоро вилояти, Когон тумани, «Янгиҳаёт» МФЙ, Янги ҳаёт кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий ер майдони 13 000,00 кв.м., шундан қурилиш ости майдони 4 065,70 кв.м. бўлган «Gips, lak-bo'yo'q ishlab chiqarish» цехи (қурилиши тугалланмаган). Бошланғич баҳоси – 1 449 076 409 сўм.

**2.** Сирдарё вилояти, Оқолтин тумани, «Мустақиллик» МФЙ, Шижоат кўчаси, 130-уйда жойлашган, умумий ер майдони 1 027,00 кв.м., шундан қурилиш ости майдони 434,20 кв.м., фойдали майдони 827,88 кв.м. бўлган 16-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 1 248 463 000 сўм.

**3.** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, «Зиё» МФЙ, Қорақамиш кўчаси, 5-А уйда жойлашган, ер участкасидаги улушнинг майдони 99,00 кв.м., фойдали майдони 882,70 кв.м. бўлган Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 2 196 546 152 сўм.

**4.** Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, О.Хўжаев номидаги МФЙ, Алпомиш кўчаси, 5k3-уйда жойлашган, ер участкасидаги улушнинг майдони 93,00 кв.м., фойдали майдони 557,60 кв.м. бўлган Диагностика маркази. Бошланғич баҳоси – 1 055 326 382 сўм.

**5.** Бухоро вилояти, Қоровулбозор тумани, «Тинчлик» МФЙ, Бобур кўчаси, 17-уйда жойлашган, умумий ер майдони 4 400,00 кв.м., шундан қурилиш ости майдони 985.71 кв.м., фойдали майдони 1 291,26 кв.м. бўлган маъмурий бино ва иншоотлар. Бошланғич баҳоси – 650 603 103 сўм.

**6.** Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, «Каттачек» МФЙ, Амир Темур кўчаси, 100-уйда жойлашган, умумий ер майдони 77 736,00 кв.м., шундан қурилиш ости майдони 5 208.92 кв.м., фойдали майдони 4 759.16 кв.м. бўлган Чорвачилик фермаси. Бошланғич баҳоси – 2 875 772 191 сўм.

**7.** Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, «Юксалиш» МФЙ, Тошкент шоҳкўчаси, 4-уй 8-хонадонда жойлашган, фойдали майдони 72.88 кв.м. бўлган кўп қаватли уйдаги хонадон. Бошланғич баҳоси – 336 006 600 сўм.

**8.** Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, «Юксалиш» МФЙ, Тошкент шоҳкўчаси, 4-уй 28-хонадонда жойлашган, фойдали майдони 72.88 кв.м. бўлган кўп қаватли уйдаги хонадон. Бошланғич баҳоси – 330 785 530 сўм.

**9.** Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, «Юксалиш» МФЙ, Тошкент шоҳкўчаси, 4-уй 10-хонадонда жойлашган, фойдали майдони 72.88 кв.м. бўлган кўп қаватли уйдаги хонадон. Бошланғич баҳоси – 340 771 380 сўм.

**10.** Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, «Юксалиш» МФЙ, Тошкент шоҳкўчаси, 4-уй, 30-хонадонда жойлашган, фойдали майдони 72.88 кв.м. бўлган кўп қаватли уйдаги хонадон. Бошланғич баҳоси – 347 018 330 сўм.

**11.** Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, «Юксалиш» МФЙ, Тошкент шоҳкўчаси, 4-уй, 6-хонадонда жойлашган, фойдали майдони 72.88 кв.м. бўлган кўп қаватли уйдаги хонадон. Бошланғич баҳоси – 344 976 870 сўм.

**12.** Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, «Юксалиш» МФЙ, Тошкент шоҳкўчаси, 4-уй, 34-хонадонда жойлашган, фойдали майдони 72.88 кв.м. бўлган кўп қаватли уйдаги хонадон. Бошланғич баҳоси – 337 574 260 сўм.

**13.** Хоразм вилояти, Тупроққалъа тумани, «Навбаҳор» МФЙ, Навқирон кўчаси, 39/3-уйда жойлашган, умумий ер майдони 305.00 кв.м., шундан қурилиш ости майдони 172.36 кв.м., фойдали майдони 313.20 кв.м. бўлган нотурар бино. Бошланғич баҳоси – 357 198 570 сўм.

**14.** Хоразм вилояти, Боғот тумани, Абу Райҳон Беруний номидаги МФЙ, Табобат кўчаси, 841-уйда жойлашган, умумий ер майдони 969,33 кв.м., шундан қурилиш ости майдони 613,14 кв.м., фойдали майдони 565,77 кв.м. бўлган Нон комбинати ва дўкон биносининг бир қисми. Бошланғич баҳоси – 476 592 167 сўм.

Савдолар 2025 йил 27 июнь кунидан бошлаб, ҳар куни соат 15:00 да, мулклар сотилгунга қадар ўтказилади.

Савдога қўйилган мулк билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар e-rieltor.uz дастури орқали ариза беришлари мумкин. **Колл марказ:** +99855-517-22-20. **Расмий сайтимиз:** www.e-rieltor.uz

*Кўрдимки, ўзини ўзи тарбиялаган ва шаҳватлардан тийила олган киши энг кучли шахс экан.*

**Нажмиддин Кубро**



МУТОЛАА

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Шарифа Салимовага очиқ хат**

# ҲАММАМИЗ УЧУН БУРЧ БЎЛГАН МАВЗУНИ ҚОЙИЛЛАТИБ ЁЗДИНГИЗ

## Ўзбек аёллари адабиётидаги илк шеърий роман «Қабоҳат салтанати»ни ўқиб...




Қадрли Шарифахон!

Адабий доираларимизда яхши маънода гап-сўз бўлаётган «Қабоҳат салтанати» шеърий романингиз чоп этилганидан буён ўзимизнинг Ёзувчилар уюшмамизда, талабалар орасида ва бошқа ташкилотларда тақдимот бўлганидан хабарим бор. Биринчи тақдимотларда асарни ҳали ўқимаганим учун қатнаша олмадим. Чунки ҳали тираж чоп этилмаган эди. Кейингиларида «Қабоҳат салтанати»ни ўқиган бўлсам-да, ўзим китоб қаҳрамонлари билан руҳан бирга яшаётган эдим.

Хаёлимда:

***...Терговчи қутирар, тўзғир сочлари,***
***Асабий ташлайди қиз томон қадам.***
***Қўлларин қайириб, сочидан судраб,***
***Синдириб ташлайди бармоқларин ҳам.***
***Оғриқнинг зўридан деворлар титрар,***
***Бўғиздан чиқади ёввойи овоз.***
***Чирик полга қулар гурс этганча қиз...***

каби сатрлар айланиб юрар, сатрларга сингиган оғриқ гўё, менга кўчиб ўтгандай, бировни эшитишга ҳам, гапиришга ҳам ҳолим йўқдай эди.

***...Маҳкума ўзига келмайди узоқ,***
***Шикаста бармоқлар йиринглай бошлар.***
***Бир қултум сувни ҳам юта олмас у,***
***Бир қошиқ ризқни ҳам қайт қилиб ташлар...***

«Зиё оламан ва олганимни Ватаним, ватандошларимга бераман», деган ёруғ бир ният билан Олмонияда ўқиб қайтган, ниятлари амалга оша бошлаганига ҳали дурустроқ суюниб улгурмаган Хайринсонинг бошига тушган кўргуликларни ўқиш ва буни «ҳазм» қилиш менга осон бўлмади. Сатрлар устига кўз ёшларим томар экан,

«Мен-ку, ўқиб шундай ҳолга тушяпман, Шарифахон қандай қилиб бу дардга чидаб ёзди экан?» деган савол бир неча бор дилимни тилиб ўтди. Ўйлайманки, бу савол асарни ўқиётган кўплаб ўқувчиларнинг дилидан ўтган. Мана, асарни ўқиб чиққанимга ҳам анча пайт бўлди. Бандаси барибир кўникувчан. Мен яна одатий ҳаётимга, ҳар лаҳза, ҳар кундан қувонч кутадиган ҳаётимга қайтдим. Яна мана шу тинч-осойишта кунлар учун, фарзандларимнинг омонлиги учун, кўнглимдаги гапларни бир қадар айта олаётганим, ёза олаётганим учун шукрона келтира бошладим.

Аммо бу мен «Қабоҳат салтанати» оғриқларидан узоқлашиб кетдим, дегани эмас. Нафсиламрини айтганда, бу одам боласи анча-мунчага узоқлашиб кета оладиган оғриқ эмас. Менимча, тўққизта тақдирни алоҳида-алоҳида берганингизнинг сабаби ҳам шу: ҳар фожиали ҳикоядан сўнг ўзингиз бир неча кун майда-майда синган руҳиятингизни йиғиб олган бўлсангиз керак ва ўқувчига ҳам шундай қилиш учун имконият бергансиз. Бўлмаса, «тўққиз тўлғоқ» деганларидай, бу тўққизта оғриқни бирданига кўтариш қийин. Бир қараганда, бизга бу инсонларнинг кечирмишлари таниш. Раҳматли академик Наим Каримов, устозимиз, «Саодат»дан кейинги умрини қатағон қурбонларини одамларга танитишга бағишлаган Холида Аҳророва, ҳали-ҳануз шу йўлларда заҳмат чекаётган Сирожиддин Аҳмедов ва шу мавзуда ёзган, ёзаётган инсонларнинг асарлари, мақолаларидан маълум. Яна ҳам аниқроқ айтсак, биз бу истибдод қурбонлари учун бир эмас, бир неча марта йиғлаб бўлганмиз. Аммо барибир шеъриятнинг ўрни бошқача. Сиз шеърга солиб воқеалар таъсирчанлигини кучайтиргансиз.

Гоҳ она тилидан:

***Биз кимга ёмонлик қилдик, Хайрижон,***
***Худо ҳақни ноҳақ қилмайди, болам.***
***Бу кунлар уволи кимни тутади,***
***Юртда кун кўрмаган одам қолмади...***
***Наҳот зулматларда қирилиб кетса,***
***Оққўнгил, меҳнаткаш Туркистон эли...***
***Болам, жоним болам, қайдасан, қўзим,***
***Бир бора кўриб сўнг майли берсам жон,***
***Она бўлмай ўлай, не кунга қолдим,***
***Энди қайдан топай сени, Хайрижон...***

Гоҳ роман қаҳрамони тилидан:

***Айтинг, шоир оға, оғзим қонини***
***Кўнгил кўзгусида кўраяпсизми?***
***Ёки сиз ҳам мендек қаро зулматда***
***Саволларга жавоб бераяпсизми?***
***Айтинг, шеър ёзолмай бармоқларингиз,***
***Давр жодисида қирқилдими ё?***
***Айтинг, азобларда ингроқ чоғингиз***
***Юзини тескари бурдими дунё...***

– дея воқеларга шеърий лаҳжада аралашар экансиз, фожиалар чуқурлашиб, жароҳатларнинг юзи очилиб боради.

Марям Султонмуродова, Вилоят Хўжаева, Кимёхон Ашурова... Тақдирдан тақдирга ўтар эканмиз, «халқ душмани»нинг ўзи эмас, рафиқаси, ҳатто, қизи бўлгани учун терговларга судралган, қийноқларга солинган, муз ўлкаларга сургун қилинган аёллар, қизлар тортган азоблар китобни ёпганингиз билан ёпилмайди, кўзингда туриб қолаверади. Йўқ, туриб қолмайди. Шувиллаб юрагингга тушади.

Эсимда бор: ўқувчилик давримда «Ўткан кунлар»ни ўқиганман. Ҳар мутолаада Кумушнинг заҳарланиш саҳифасига келганимда китобни ёпардим, ҳатто, бир неча марта отиб ҳам юборганман. Шарифахон, дўстим, «Қабоҳат салтанати»ни ўқиётганимда ҳам, энди улғайган бўлсам-да, бу китоб эканини билсам-да, ҳатто, бу ҳаётий воқеалар ҳеч қачон орқага қайтмаслигини англасам-да, китобни бир неча марта ёпдим. Аммо бу билан юрагимда давом этаётган сурон тўхтармиди? Қулоғим остидан мана бу фарёдлар кетармиди?

***Ҳеч ким шафқат қилмас, улкан мамлакат,***
***Ўзининг ёғига қоврилар ўзи.***
***Гўё Туркистоннинг юлдузи сўнган,***
***Гўё адолатнинг басирдир кўзи...***

Зотан, нега ҳам кетсин? Ахир, мен ҳам сизнингдек, бу китобни суякларигача қақшаб ёзган муаллиф – сиз каби, қолаверса, ўша жафокаш аёллар каби шу юртнинг, шу ота-боболаримиздан мерос Туркистоннинг боласиман-ку... Шунинг учун бу дардлар сизники бўлганидек, меники ҳам:

***Йигирма саккиз ёш, барқ урган ҳусн,***
***Ҳилпираган ёшлик, ҳилпираган руҳ.***
***Энди қафас ичра чирпанар аёл,***
***Темир панжарани куйдиргандай «уҳҳ»...***

Сиз шоира бўлиш баробарида онасиз, аёлсиз. Воқеаларни баён қилар экансиз, она, аёл қалбингизнинг меҳрли сезими билан асарни ўқиётган ўқувчи бўйнидаги азоб сиртмоғини сал-пал бўшатгингиз келади. Халқ куйлари, оҳангларида бироз бўлса-да енгиллик, ўйноқилик борлиги учун кишан сасларидай оғир оҳангни алмаштирасиз.

Дарҳақиқат, бу усулингиз иш беради. Асли «Туркистон» деган номнинг ўзидан, ҳатто, унинг товушларидан одамнинг қалбига куч инади. Ўқувчининг гуноҳсиз гуноҳкорлар учун чекаётган азобига ўша кучдан бир тола нур тушгандай бўлади. «Шундай қудратли мамлакатнинг ғанимлари ҳам чакана бўлмайди-да, катта юртнинг фожиалари ҳам, дардлари ҳам катта бўлади-да» деган таскин келади ўша нурга қўшилиб.

Яхши асарлар нечоғлик фожиали бўлмасин, уларда барибир инсоннинг яшашига куч берадиган омиллар бўлади. Сиз халқона оҳанглларсиз ҳам ора-орада ўша яшашга, курашга иштиёқ берувчи хитобларни шеърий тилда айтиб турасиз:

***Занжирлар узилур, жаллод тузумнинг***
***Бир кун жазосини беради Худо.***
***Унда келур баҳор бўлур бошқача,***
***Унда уйғонади қайта коинот,***
***Унда Ватан озод, Ватан ҳур бўлур...***

Ҳар бир тақдир бошламасидаги улуғларимиз – жадид боболаримиздан келтирилган иқтибослар ҳам шунда руҳимизга куч берувчилардан бўлгани ҳам сизнинг яна бир ютуғингиз бўлибди. Ахир ҳазрати Бобур, ҳазрати Машрабларнинг ҳам изтиробли ғазалларини ўқиганда, сатрлари орасида учқун сочиб турганлари ҳам бўладики, ўқиб бўлгач, умидсизликка тушмайсан, яшагинг келади. Бу – муҳаббат. Сизнинг ҳам асар қаҳрамонлари тақдири қалбга ўйган жароҳатларга малҳам босадиган бир туйғу бор: бу – муҳаббат. Она Ватанга, миллатга, отага, ёрга, тўғриликка муҳаббат. Ҳар бир қаҳрамоннинг жаллодлар сўроқларига берган жавобларида, ота-она соғинчи, ёр садоқати, фарзанд соғинчи бор. Ёзган аризаларида, ўзи билан ўзи курашган ички монологларида умид товуши бор. Ҳаммаси қўшилиб, асарни руҳан қудратли қилади.

Шарифахон, яширмайман, дастлаб ичимда андак ҳасадга ўхшаш нимадир ғимирлагандай бўлди. Ахир, бу асарни мен ёзишим мумкин эди-ку. Бу менинг мавзуим эди. Аммо, биласиз, мен табиатан фосиқ эмасман, ҳосид эмасман. Ўзимни енгдим ва сиз учун қувондим. Чунки бу асарни, ҳаммамиз учун бурч бўлган мавзуни қойиллатиб ёздингиз. Ўзбек аёллари адабиётида шеърий роман вужудга келди. Бу заҳмат, машаққат ва залворли самара билан Сизни чин дилдан табриклайман. Ҳа, биз – мен, Хосият Бобомуродова, Зулфия Мўминова, Муҳтарама Улуғова, Мунаввара Усмонова, Фарида Афрўз, Ҳалима Аҳмад, Зебо Мирзо, Гулжамол Асқарова, Гулноз Мўминова ва бошқа қатор тенгдош, катта-кичик шоираларда ҳам худди шундай имконият бор. Насиб қилса, Сизга ҳавасан биз ҳам кеча, бугун миллатимизга шон-шавкат берган аёллар ҳақида кўламлироқ асарлар ёзсак... Бу китобни ўқиб чиққач, уйғонган фикрларимдан яна бири – шу.

Ҳали «Қабоҳат салтанати» ҳақида кўп яхши гаплар айтилади. Балки, ўзим яна бу мавзуга қайтарман. Чунки ҳали ҳам ўқувчи, ҳам қаламкаш сифатида кўнглимда гаплар кўп. Сизни яна бир бор табриклаб, саломатлик, қалбингиз, қаламингизга қувват тилайман.

*Меҳр билан,*



**Қутлибека РАҲИМБОЕВА,**
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими*




# УЧ АВЛОД ТАНЛОВИ

**Илк бор касаба уюшмалари фаолияти билан талабалик йилларимда танишдим. 1969 йили Тошкент политехника институти талабалар касаба уюшма қўмитасининг маданий-оқартув ишлари комиссиясига раис этиб сайландим.**

Меҳнат фаолиятим 1973 йилдан бошланган бўлса, Кибернетика институти Наманган махсус бўлими жамоаси, касаба уюшмалари вилоят кенгаши аппарати, «Ўзэлектротерм» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшма қўмиталари раиси сифатида деярли 20 йил ишладим. 1977-1988 йилларда касаба уюшмалари Наманган вилояти кенгашида дастлаб меҳнат техника инспектори, 1980 йилдан меҳнат техника бош инспектори вазифаларини бажардим.

Касаба уюшмалари вилоят кенгаши меҳнат техника бош инспектори вазифасида ишлаган йилларим бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ишчиларга соғлом иш шароитлари яратиш борасида бир неча янги лойиҳаларни амалга оширдим. Масалан, 1985-87 йилларда меҳнат муҳофазасини бошқаришнинг бригада усулини ишлаб чиқиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи Неъматилла Қўчқоров бригадасида жорий этдим. Ушбу ташаббус оммалашди. Бу иш учун Неъматилла Қўчқоровга 1987 йил Собиқ Иттифоқнинг давлат мукофоти берилди. 1982-1983 йилларда вилоят туманларида Иттифоқда ягона бўлган «Меҳнат муҳофазаси уйлари»ни ташкил қилдим.

1979 йили Наманган шаҳрида кўча фаррошларидан икки нафарини машина уриб юбориши оқибатида ҳалок бўлди. Махсус суриштирув натижаларидан сўнг республика коммунал хўжалик министрлигига кўча фаррошлари учун йўл ишчиларининг сигнал камзулларини жорий қилиш талабини қўйдим. Бу таклиф шу йилиёқ амалиётга татбиқ этилди ҳамда ўз самарасини бера бошлади.

Вилоятда ишлаб чиқаришда ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар 1987 йилда 1977 йилга нисбатан уч баробарга камайди. Яъни, 1976 йилда ишлаб чиқаришда 43 та ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодиса қайд этилган бўлса, 1987 йилда бу кўрсаткич 10 нафарга тушди.

1985 йилда ВЦСПС котибиятининг қарори билан «Касаба уюшмаларида самарали ва намунали меҳнати» учун кўкрак нишони билан тақдирландим. 1986 йилда собиқ Иттифоқнинг «Энг яхши вилоят меҳнат техника бош инспектори» сифатида эътироф этилдим. Ўндан ортиқ услубий қўлланмалар, кўргазмали плакатлар ишлаб чиқиб, нашр эттирдим.

Ишлаб чиқариш жароҳатланиши юқори бўлган Попдаги «Ўзбеккровля» комбинатида биоритмларга асосланган хавфсизлик тизими, кимё заводида Саратов «Нитрон» заводи тажрибаси, қурилиш ташкилотларида Басов хавфсизлик усуллари жорий этилишига эришдим.

Шуни таъкидлаш керакки, шўро замонида вилоят раҳбарлари Иттифоқ раҳбариятидан бирор нарса сўрай олмасдилар. Вилоятда деярли 70-йилларгача саноат ривожланмаган, кўпчилик корхоналар ибтидоий цехларда, XIX аср технологиялари асосида фаолият кўрсатар, соғлом иш шароитларидан маҳрум эди. Вилоят раҳбарларига, марказга ёзилган хатларга жавоб ололмасдим. Иттифоқ министрликларига тўғридан-тўғри мурожаат қилишга тўғри келди. Натижада Наманган кимё заводи бузилиб, қайта қурилди. 1902 йилда қурилган ёғ заводи реконструкция қилинди, кўплаб қўл меҳнатига асосланган корхоналарга замонавий дастгоҳлар ажратилди. Касаба уюшмаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ана шундай сезиларли эди.

1989 йили Иттифоқда корхоналар орасидаги алоқалар узила бошлади. «Ўзэлектротерм» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг асосий маҳсулоти, мамлакат қишлоқ хўжалиги учун зарур калорифер иситкичлар ишлаб чиқариш хавф остида қолди. Ачинарлиси, масала ҳал бўлмаса, бирлашма бош заводининг деярли 2 минг кишилик жамоаси ишсиз қолиши мумкин эди. Чунки СССР давлат комитети томонидан бутловчи қисмлардан вентиляторлар фонди кесиб ташланиб, ўша йилнинг январь-май ойлари давомида бош директор ўнлаб марта Москвага вазирликка борди. Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва СССР президенти Михаил Горбачевгача ёзма мурожаатлар қилингани, вилоят раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари ҳам натижа бермади. Вилоят ва республика раҳбариятидан рухсат олиб, 1989 йил 10 май куни касаба уюшма қўмитаси раиси сифатида ВСЦПСга бордим. Раиснинг саноат масалалари бўйича ўринбосари, аввал Қозоғистон компартияси МК иккинчи секретари бўлиб ишлаган Турисов қабулида бўлдим. У СССР электротехника саноати министрлиги раҳбариятига мени қабул қилишни ва масалани ижобий ҳал этишни тайинлаб йўллади.

Мени Иттифоқ вазирининг ўринбосари Куприков қабул қилди ва бошқармалар раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказиб, тегишли кўрсатмалар берди. Шундай қилиб, заводнинг яна бир неча йиллик фаолияти сақлаб қолинди.

1992 йилда Наманган вилояти меҳнат муҳофазаси мутахассислари ассоциациясини, Меҳнат муҳофазаси фондини ташкил қилишда иштирок этдим. Ижтимоий тадқиқотлар ва меҳнат муҳофазаси халқ университетини ташкил қилдим. Биринчи бўлиб ўзбек тилида техника хавфсизлиги бўйича 44 хил хавфсизлик техникаси плакатларини ўз ичига олган 11 та плакат сериясини тайёрладим ва катта ададда нашр эттирдим. 2003 йили республикада ягона «Меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий ҳимоя» журналини таъсис этдим.

Шу ўринда яна бир воқеа эсимга тушди. 1985 йилда вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси ўринбосарлигига Г.Сухарев сайланди. У аввал вилоят ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, вилоят партия қўмитаси бюроси аъзоси бўлиб фаолият кўрсатганди. Бир куни мен билан суҳбатлашаётиб, «Муталлибжон *(ўзбек тилида ўзбеклардек гаплашарди)*, аслида мен аввал касаба уюшмаларида ишлашим керак экан», деган эди. Ҳа, шўролар оғизда «Касаба уюшмалари – коммунизм мактаби» деган шиорни ташвиқот қилса-да, амалда касаба уюшмаларига одатда ишдан олинган партия ходимларини туширар эдилар. Мен ўзим гувоҳ бўлган ҳақиқат шунда эдики, партия органларидан туширилганлар касаба уюшмаларида ўринларини кўпинча тополмасдилар, тезда бўшаб кетишга мажбур бўлардилар. Мустақиллик туфайли касаба уюшмаларидан чиққан кадрлар юқори лавозимларга тайинланиб, намунали фаолият кўрсатмоқдалар. Албатта, улар орасидан бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева, Уйчи тумани ҳокими, давлатимиз раҳбари томонидан туманда камбағалликни қисқартириш борасидаги ҳокимлик фаолияти республикага ўрнак қилиб кўрсатилаётган Шуҳрат Мусаев, Бош вазир ўринбосари Зулайҳо Маҳкамоваларни таъкидлаб ўтиш жоиз.

### БОБОМ

Ўтган асрнинг 20-йилларидан республикамизда турли касблар касаба уюшмалари вужудга кела бошлади. У вақтда саноат иқтисодиётимиз асосан ҳунармандлар фаолиятига асосланган ва ижтимоий ҳимояланмаганди. Қишлоқларда ташкил этилган «Қўшчи союз»ларини эсланг. Наманган шаҳрида ташкил этилган уюшмалардан бири косиблар уюшмаси бўлган. Аслида оддийгина кўнчи бўлган бобом Мамадали Каримов *(1886-1940)* 1920-1930 йилларда Наманган косиблари уюшмаси раиси этиб сайланган. Шу уюшмада чархланган ана шу оддий кўнчи 1930 йилда «Ҳақиқат» колхозини тузишга бош-қош бўлиб, 1938 йилгача фаолият кўрсатган.

### ОТАМ

Отам Холмирза Қосимов *(1910-1989)* қаерда ишлаган бўлсалар ҳам, барчасида касаба уюшма қўмитаси раиси бўлиб фаолият юритган. 1950-1966 йилларда маҳаллий саноат ва коммунал хўжалик ишчилари касаба уюшмаси республика ва Андижон вилояти қўмиталари, касаба уюшмалари вилоят кенгаши пленум ва тафтиш комиссиялари аъзоси этиб сайланган.

**Абдумутал ҚОСИМОВ,**
*касаба уюшмалари фахрийси*

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Нуриддин Ҳамроқулов ижросида

«АЖАБ СИРЛАР» қўшиғи

Мурод Раҳмон шеъри

Ажаб сирлар бормиш субҳи сабода,
Умр акс этармиш оқар дарёда.
Умид юлдузлари порлар самода,
Мен бахтим топгайман қай дилрабода?

**MUASSIS:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

**2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.**

**«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:**

**Qudratilla RAFIQOV** *(tahrir hay'ati raisi),*
**Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV** *(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),*
**Mehriddin SHUKUROV** *(Mas'ul kotib – «Ishonch»),*
**Valentina MARSENYAK** *(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – **(71) 256-64-69**
Huquq va xalqaro hayot – **(71) 256-52-89**
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – **(71) 256-82-79**
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – **(71) 256-85-43**
Marketing va obuna – **(71) 256-87-73**

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Navoiy viloyati –** (+998-90) 500-05-12
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-93) 213-09-66
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg'ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-97) 705-08-93

**Navbatchi muharrir:** G'ulomjon MIRAHMEDOV
**Musahhih:** Umida XUDOYBERGANOVA
**Sahifalovchi:** Hasan ABDUJALILOV
**Bosishga topshirish vaqti –** 00:00
**Topshirildi –** 02:40
**Bahosi kelishilgan narxda**
Gazeta haftaning **seshanba, payshanba va shanba** kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: **133**

**Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.**

**Umumiy adadi 32 408 та**
**Shundan: 6 187 nusxasi**
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
**Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;**
**18 306 nusxasi**
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
**Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;**
**7 915 nusxasi**
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
**Marg'ilon shahri,Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: 356**
1 2 3 4 5 6